Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА adolat_sdp@doda.uz • www.adolat.uz • № 50 (855) • 2011 йил, 2 декабрь, жума

# Конституция — эркинлик ва тараққиёт гарови

Худоёр МАМАТОВ.

Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу ғоя халқимизнинг азалий орзу-умидлари, эзгу интилишлари ҳамда бугунги бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади. Бу мафкура қонун устуворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлилик, турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан аҳил-иноқ яшаш, диний бағрикенглик, замонавий билимларни қунт билан эгаллаш, дунё мамлакатларининг илғор тажрибаларини ўрганиш каби умумбашарий қадриятларга асосланади, «ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги бутун жамиятнинг фаровонлигидир» деган ғояни илгари суради. Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий рамзи, халқимиз хоҳиш-иродасининг олий ифодаси бўлмиш Конституциямизда шу умумбашарий қадриятлар ўзининг мукаммал ифодасини топган.




Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Бош Қомусимиз эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, ўз истеъдодини тўла намоён этиш ва меҳнати натижаларидан баҳраманд бўлиш олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятининг қарор топишида мустаҳкам кафолат бўлди, миллий истиқлол шарофати билан ўз олдимизга қўйган улуғвор вазифаларни амалга ошириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш ва қонун устуворлигини таъминлашда, мана, ўн тўққиз йилдирки, ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

«Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафа, ғоясига кўра тамомила янги ҳужжатдир,— деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов. — Унда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик».

Давоми 4-бетда



# Сиёсий партияга билдирилган ишонч

## сайловчиларга берилган ваъдаларнинг устидан чиқиш билан баҳоланади

Пленум

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг V Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партиянинг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ходимлари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Пленумни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров партия сиёсий майдонга чиққан илк кунлариданоқ ижтимоий адолат ғояси тамойилини илгари суриб, мамлакатда амалга оширилаётган барча ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда фаол иштирок этиб келаётгани ва аҳолининг турли ижтимоий қатламлари манфаатларини ифодаловчи жипслашган куч сифатида ўзини кўрсата олганлигини мамнуният билан эътироф этди.

— Ўзбекистон «Адолат» СДПда реализм, соғлом фикр, парламент фаолияти қоидаларини амалга оширишда адолатлиликка асосланган ўзига хос сиёсий маданият шаклланди, деб таъкидлашга тўлиқ ҳақлимиз, — деди маърузачи. Ўзбек социал-демократияси ўз моҳиятини нафақат ўз номи билан, балки мазмуни ва фаолияти, вакилларининг ишончи орқали мунтазам исботлаб келмоқда.

Замон бизнинг олдимизга янгидан-янги вазифаларни қўйиб, чуқур дастурий мақсадларни бажариш механизмларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Давоми 3-бетда

# Муқобил энергия манбалари

## улардан фойдаланишда инновацион технологиялар муҳим ўрин тутади

Семинар

Ўзбекистон «Адолат» СДП,
Қашқадарё вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Қарши шаҳрида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қашқадарё вилояти Кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистон энергетикасининг инновацион тараққиёти — Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий вазифаси» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Партия раҳбарлари, депутатлар ва фаолларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим, тажрибаларини янада бойитиш, кенг жамоатчилик ўртасида ташкилий-партиявий, сиёсий-ғоявий ишларни олиб боришнинг янгича услублари билан таништириш мақсадида ташкил этилган анжуманда бир қатор долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари Равшан Ҳайдаров «Ўзбекистон энергетикасига инновацион технологияларни жорий этишда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ўрни» мавзуидаги маърузасида партиянинг бу борадаги вазифаларига алоҳида тўхталди.

— Ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Партиямиз энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратади.

Давоми 4-бетда

# Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият

Фракция ташаббуси

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Adolat» мухбири.

Биз озод ва эркин халқмиз. Шунинг учун дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, эртага мамлакатимиз шуҳратини бутун дунёга таратадиган авлодни тарбиялаб, вояга етказиш давлатимиз олдида устувор вазифа сифатида кўрилмоқда. Бугун табиийки, Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этадиган ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини янада ошириш, амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида уларнинг иштирокини кенгайтириш муҳим ўрин тутади.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ҳамда партиянинг «Ёш адолатчилар» қаноти ташаббуси билан «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид ислоҳотларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда ёшларнинг иштирокини таъминлаш механизмлари» мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Унда фракция аъзолари, партия фаоллари, ҳуқуқшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, ўқувчи-талабалар, шунингдек, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган барча ислоҳотлар замирида инсон ва унинг манфаатлари ётади. Шу маънода, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданияти муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳуқуқий маданият юксаклиги демократик давлатнинг муҳим хусусиятидир.

Давоми 3-бетда



# Она ва бола саломатлиги —

## жамиятнинг эртанги куни буюклиги

Муносабат

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ.

«Маърифат маркази» мажмуидаги Симпозиумлар саройида «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзуида халқаро симпозиум ўтказилди.

Симпозиумнинг бошланишидан то ниҳоясигача Президентимиз Ислом Каримовнинг **«Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан — оила бор. Оила бор экан — фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан — одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди»** — деган сўзлари қулоқларим остида жаранглаб турди. Кўз олдимдан айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан истиқлол йиллари юртимизда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш бўйича давлат миқёсида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва кенг кўламли дастурлар ижросининг ижобий натижалари ўтаверди: республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг таъсис этилган илк давлат мукофотларидан бири «Соғлом авлод учун» ордени бўлди. «Оила йили», «Аёллар йили», «Оналар ва болалар йили», «Соғлом авлод йили», «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили» деб ном олган йилларда ёш авлод тарбиясига, айниқса, юксак эътибор берилди. Ана шу эътибор натижаси ўлароқ, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшгача, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача узайди.

Шу маънода пойтахтимизда янгидан бунёд этилган муҳташам «Маърифат маркази» мажмуидаги Симпозиумлар саройида «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзуида халқаро симпозиум бўлиб ўтишида ҳам чуқур рамзий маъно бор.

Симпозиум иштирокчиси, Франциядаги «Ибн Сино» жамғармаси раиси, Беғараз донорлик тарғиботи бўйича халқаро эксперт жаноб Марк Бонелнинг эътирофи одамларда катта taассурот қолдирди: «Ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши кўради ва унинг соғ-саломат бўлишини истайди. Лекин бундай қараш умумдавлат сиёсати даражасига кўтарилиши камдан-кам мамлакатларга хос».

Бугун дунёнинг мана шундай «камдан-кам мамлакатлари» рўйхати бошида Ўзбекистонимиз эҳтиром билан қайта-қайта тилга олинмоқда. Мустақиллик йилларида одамларнинг ўртача умр кўриши узайиши билан бир қаторда оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроққа камайган. Ўзбекистон — жорий йилда «Болаларни асрайлик» (Save the children) халқаро ташкилот томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган 10 та етакчи давлатлар қаторига киритилди.

Давоми 4-бетда

## Миллий давлатчилигимиз пойдевори

*Тошкент давлат юридик институти «Конституциявий ҳуқуқ» кафедрасининг ўқитувчиларидан иборат бугунги суҳбатдошларимиз ҳам миллий давлатчилик пойдеворини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим роль ўйнаганлигини эътироф этишди.*



2-бет

## “Сержантлар”

*Республикамиз ёшларининг ҳарбий хизматни ўташга бўлган улкан интилиш ва қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда “Ўзбектелефильм” студиясида “Сержантлар” деб номланган ўн беш қисмли сериал суратга олиниб, шу йил бошларидан мамлакатимиз телеканаллари орқали намойиш этилди.*



7-бет

## Бу ғалати даҳолар

ёхуд Ньютон нега соатини сувда қайнатган

*Айрим олимларнинг мулоҳазаларига кўра, буюк инсонларнинг кўпчилиги ғалати феълатворлари билан бошқалардан ажралиб туришган. Фаранг сиёсатшуноси Ларошфуко эса тўғридан-тўғри “Буюк инсонларнинг камчилиги ҳам буюк бўлади”, дейди.*

*Мисол учун, фаранг масалчиси Лафонтен илҳом келган чоғлари хаёлига келган сатрларни бақириб-чақириб такрорлаганча, ўзига ҳайрон бўлиб тикилаётган йўловчиларга эътибор қилмасдан кўчаларни айланиб юраверган.*



8-бет

# Миллий давлатчилигимиз пойдевори

Мана, 19 йилдирки, биз ҳаётимизнинг Асосий Қомуси бўлмиш, яъни давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугунги қиёфаси, ҳаёт тарзи, балки келажагини ҳам белгилаб, эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий замин ва пойдеворини муҳрлаб берувчи Конституциямиз асосида яшаб келмоқдамиз. Унда зикр этилган мақсад ва муддаоларга эришиш, юртимизда тинч, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш, халқимизнинг фаровонлигини юксалтириш йўлида муттасил иш олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, жамиятда, ҳар қайси оила ва фуқаро ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, десак янглишмаган бўламиз.

Шунинг учун ҳам бугун мана шу давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни баҳолар эканмиз, эришган натижа ва марраларимизни Конституция олдимизга қўйган мақсадлар билан қиёслаб-таққослаб, тегишли хулосалар чиқариш ўринли бўларди.

Тошкент давлат юридик институти «Конституциявий ҳуқуқ» кафедрасининг ўқитувчиларидан иборат бугунги суҳбатдошларимиз ҳам миллий давлатчилик пойдеворини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим роль ўйнаганлигини эътироф этишди.

**Ойбек ТУРҒУНОВ,**
юридик фанлари номзоди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларига, илғор хориж тажрибасига ва миллий-тарихий анъаналаримизга ҳамда Конституциямизга мос сайлов қонунчилиги тизими яратилди. Айтиш керакки, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ва унга сайлов тизимининг муҳим принципларига бағишланган махсус бобнинг киритилиши миллий сайлов қонунчилигимизни шакллантиришда муҳим қадам бўлди. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 117-моддасида: "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади", дейилган.

Сайловлар доимо демократик давлатлар тараққиёти ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тизимида муҳим конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида марказий ўринни эгаллаб келганлиги боис ҳар қандай демократик жамият ўзагини ташкил этади. Айнан сайлов институти орқали фуқаролар бевосита ёки ўзлари сайлаган вакиллари тимсолида давлат ва жамият ҳаётини бошқариш имконига эга бўладилар. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, "Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов — демократия дегани. Демократия — бу сайлов дегани"дир.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, халқ ҳокимиятчилигини таъминлашга қаратилган улкан ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, фаол демократик янгиланиш ва мамлакатни модернизация қилиш даврида республикамизнинг сиёсий тизимини янгилашга оид жараёнлар янги босқичга кўтарилди. Сиёсий партиялар ўтказилаётган сайловлардаги фаол иштироки билан сайловчилар корпусини янада кўпроқ қисмини ўзига жалб этмоқда. Натижада фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи таъминланиб, сайлов жараёнига оид тушунчаларни ўзлаштиришга бўлган интилиши кучайди. Шу жиҳатдан олганда электоратнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ҳам юксалиб, уларнинг ушбу жараёнлардаги иштироки кенгаймоқда, десак тўғри бўлади.

2008 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаб, сиёсий партияларни демократик тамойиллар асосида фаолият юритишлари учун имкониятларни янада кенгайтирди.

2008 йил мамлакатимиз сайлов тизими ривожида муҳим босқич бўлди. Қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар натижасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди, шундан 135 нафар депутат сиёсий партиялардан сайланади. Қуйи палатамиздаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди. Шунингдек, сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди, қонун ҳужжатларига сиёсий партиянинг "ваколатли вакили" деган янги институт киритилди ҳамда сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолиятида ошкораликни таъминлашга қаратилган нормалар киритилди.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Тўпланган ижобий тажрибага суяниш, илғор технологиялар ва демократик тамойилларнинг устуворлигига эришиш мақсадида жамиятимизни янада ривожлантиришга қаратилган замон олдимизга қўяётган улкан вазифаларни бажаришда, шубҳасиз, сайлов тизимини янада такомиллаштириш ҳам ўта муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Ана шу маънода, Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг мазмун ва моҳиятан янги босқичини бошлаб берди.

**Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ,**
юридик фанлари номзоди,
доцент.

Мустақил давлатчиликнинг суверен белгиси ҳисобланмиш Конституция аввало миллатнинг юзи, халқнинг эрки иродаси, жамият тараққиётининг асосидир. Халқимиз Конституциямизни қабул қилиниши орқали дунё ҳамжамиятига ўзининг умуминсоний қадриятларга содиқ эканлигини намоён қилди.

Миллий қадриятларимизни ўзига сингдирган Конституциямиз асосида оила, оналик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналар васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни ўз зиммасига олганлигини алоҳида эътироф қилиш лозим. Ўз фарзандларини вояга етказиш ота-онанинг олдидаги бурч, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар эса ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга бурчли эканлиги айтилган қоидалар халқимизнинг азалий урф-одатлари, анъаналари оиланинг муқаддаслигига таянишини кўрсатади.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла институтининг Конституцияда мустаҳкамланиши халқимизнинг янада жипслашуви, кишиларнинг кундалик ҳаётини йўлга қўйишда муҳим восита эканлигида намоён бўлади. Азал-азалдан маҳаллалар кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, фуқаролар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик таъминланган маскан бўлиб ҳисобланади. Бу ҳақда муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов шундай деган эдилар: "ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар-жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз. Шу боис, маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб, ...бу идора жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисмидир...".

Агар мустақилликдан то ҳозирги кунга қадар амалга оширилган ислоҳотлар натижаларига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, барча эришилган ютуқларимиз замирида бевосита Конституциямиз турганлигини кўрамиз.

Конституциямизнинг "Жамиятимизнинг иқтисодий негизлари" деб номланувчи ўн иккинчи бобидаги тегишли нормаларнинг амалдаги тадбиғини кучайтириш мақсадида, давлатимиз томонидан хусусий тармоқни жадал ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни шакллантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу бўйича кўплаб қонунлар қабул қилинмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Конституцияда белгилаб қўйилган олий мақсадимиз, яъни демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида, давлат ва жамият қурилиши соҳасида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий ҳуқуқий ҳужжат сифатидаги ўрни доимо беқиёс бўлиб қолаверади.

**Ихтиёр БЕКОВ,**
юридик фанлари номзоди,
доцент.

Конституция ҳар бир мамлакатнинг суверенитети, миллий давлатчилиги ривожи, фуқароларнинг ҳаёти, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзини белгилаб берадиган асосий қонундир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини ифода этиб, миллий давлатчилигимиз ривожи, демократия ва ижтимоий адолат, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига асосланган, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мустаҳкам йўлини белгилаб берди.

Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий йўли аниқ ифодалаб берилган бу қомусий ҳужжатда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Конституциямизда муҳрлаб қўйилганлиги мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Конституцияни "халқчил қомус" деб атаган эди. Дарҳақиқат, суверен республикамиз Конституцияси — инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг демократик хартияси бўлиб, у ҳуқуқий ва инсонпарвар давлатни шакллантиришнинг стратегик дастури вазифасини ўтаб келмоқда. Конституция — давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий замини, халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси сифатида майдонга чиқди. У энг тараққий топган, ривожланган давлатларнинг конституциявий тажрибаларига таяниш билан бирга, тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжат эканини намоён этмоқда. Конституция ўзбек давлатчилигини замонавий, маърифий асосда қайта тиклаш, тинч-тотув яшаш ва тинчликни барча чоралар билан мустаҳкамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқ қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш каби вазифаларга масъул ва кафолат бўлиб ҳисобланади. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаб айтганидек: "Бизнинг Конституциямиз умуминсоний — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади". Бу эса айнан халқимиз асрлар оша ардоқлаб келаётган энг эзгу фазилатлар — тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳамкорлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, жамоанинг фикрига бўйсуниш, оила муқаддаслиги ва бошқа кўплаб қадриятларнинг Бош Қомусимизда акс эттирилган ҳуқуқий ифодаси эканининг яна бир исботидир.

Бугунги кунда Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар мамлакатимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг, шунингдек, Ўзбекистон ўзининг ишончли ва истиқболли шериги деб билаётган жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнларининг мустаҳкам ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилмоқда.



**Улуғбек ХУСАИНОВ,**
юридик фанлар номзоди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий давлатчилигимизнинг чуқур илдизлари ва ривожланган мамлакатлар тажрибаларига асосланган ҳолда, халқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий тафаккурининг маҳсули сифатида қабул қилинган бўлиб, республикамизда амалга оширилаётган барча изчил ислоҳотларнинг ҳуқуқий пойдеворига айланди. Ўтган йиллар давомида Конституциямиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини, унинг руҳияти, онги ва шуурини ўзида тўлиқ акс эттирганлигини тўла тўкис исботлаб келмоқда.

Ҳар бир давлатнинг Конституцияси ўзига хос жиҳатларига эга бўлиб, унинг миллий хусусиятлари, анъаналаридан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун моҳиятига, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқи олий қадрият эканлиги сингдирилиб, унинг асосий мантиқий йўналиши "инсон-жамият-давлат" манфаатларини таъминлашга қаратилган.

Хусусан, Конституциямизнинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади" деб белгиланган.

Умуман олганда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар томонлама мукаммал ва жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи Асосий Қонун бўлиб ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши соҳасида изчил демократик ислоҳотлар амалга оширилди: Икки палатали парламент шакллантирилди, Президентнинг айрим ваколатлари Олий Мажлис Сенатига ўтазилди, сайлов тизимида муҳим ўзгаришлар рўй берди, ўлим жазоси бекор қилинди, эхтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди ва бошқалар. Мазкур изчил ислоҳотларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси сўзсиз бош ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

**Сарвар АКРАМОВ,**
Тошкент давлат юридик
институти 1-босқич магистри.

Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқининг кафолатлари

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга оширилишида, уларнинг ташаббускорлигини ошириш ва сиёсий ҳаётда эркин ҳамда кенг иштирок этишларини таъминлашда фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи фуқаро билан давлатни бевосита боғлаб турувчи кўприк бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида: "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт" деб таъкидланган.

Конституциямизнинг 44-моддасида эса: "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади" деб қайд этилган.

Республикамизда фуқароларнинг мурожаатлари "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонунлар орқали ҳимоя қилинади.

Ҳозирда мамлакатимизда фуқаролар мурожаатларининг ҳолати ҳақида фикр билдирар эканмиз, Республикамизда фуқароларнинг аксарият қисмининг прокуратура органларига мурожаат қилиши ҳаммамизга аён. Бунинг сабаби эса фуқаролар мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва тиклаб берувчи энг асосий ҳамда энг нуфузли орган — прокуратура деб ҳисоблайдилар. Ушбу ҳолатни таҳлил қилар эканмиз, кўпчилик фуқаролар томонидан прокуратурани фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқувчи асосий орган деб ҳисобланишини билдирса, иккинчи томондан, уларнинг бошқа органлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаганликларидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2010 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботига кўра, Омбудсманга келиб тушган мурожаатларнинг кўпи шахсий ҳуқуқларга тегишли бўлган, жумладан, улардан 1667 таси яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизликка оид, 1367 таси одил судловга, 582 таси ички ишлар органлари фаолиятига доир.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, ҳозирда Ўзбекистонда адлия органларининг фаолияти анча жонланмоқда ҳамда фуқароларнинг ушбу органларга қилаётган мурожаатлари кун сайин ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунларда белгиланган бўлиб, фуқароларга давлат ва жамият ишларини бошқаришда кенг иштирок этиш имкониятларини яратиб беради.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлардан асосий мақсад ҳам айнан фуқароларимизниг сиёсий фаолликларини оширишдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини, ўз сиёсий-ижтимоий фаолликларини амалга оширишларини кафолатлайди. Айни пайтда ҳар бир фуқаро ўзининг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини билиши лозим. Фуқароларимизнинг ҳуқуқий билимлари қанчалик юқори бўлса, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этсалар давлатимиз ўз олдига қўйган яқин йилларда дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаш каби улуғ мақсадига эришиши шунчалик тезлашади.




**Садриддин ХИДИРОВ,**
юридик фанлари номзоди,
доцент.

Бугунги глобаллашув замонида халқимиз ва халқаро ҳамжамиятни ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган янгилик ва ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор қилиш, фуқароларнинг давлатга, жамиятга нисбатан муносабатларини холис ва ҳаққоний акс эттириш, қолаверса, жамоатчилик фикрини шакллантиришдек муҳим ва масъулиятли ишлар ижобатида оммавий ахборот воситалари фаолияти алоҳида ўрин тутади.

Асосий Қонунда фуқаролик жамиятининг алоҳида институти бўлган оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилгани алоҳида эътиборга моликдир. Конституциянинг 67-моддасида қайд этилганидек: "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди".

Ушбу модда негизида Ўзбекистон тарихида биринчи марта оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги принципи конституциявий қоида тарзида мустаҳкамлаб қўйилди. Цензуранинг тақиқланиши билан оммавий ахборот воситаларига тазйиқ ўтказилишининг олди олинди. Бу конституциявий қоида оммавий ахборот воситалари чинакам эркин фаолият юритишининг ҳуқуқий кафолати бўлиб, жамиятнинг янгиланиши жараёнида мислсиз аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда бугунги замон талаблари ва демократик стандартларни инобатга олиб "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди.

Юртимизда аввало оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган ўнга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шу билан бирга, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли институционал ислоҳотлар амалга оширилди.

Бу каби янгиланишлар, биринчи навбатда, мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бораётган мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва демократиялашувини таъминлашга, уларни "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтаришга қаратилган. Бундай янгиланишлар ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириши, журналистлар фаолиятига янгича равнақ бағишлаши шубҳасиз.

# Сиёсий партияга билдирилган ишонч

## сайловчиларга берилган ваъдаларнинг устидан чиқиш билан баҳоланади

Давоми. Боши 1-бетда

Пленум кун тартибидан партиянинг бугунги ҳаётида муҳим бўлган икки масала — "Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг электорат манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари иш фаолиятини кучайтириш тўғрисида" ҳамда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда Ўзбекистон "Адолат" СДП ташкилотларининг фаолияти тўғрисида"ги масалалар ўрин олди.

Биринчи масала муҳокамаси жараёнида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари бугунги кунда ўз электорати манфаат ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришга интилаётгани ва ҳозирда маҳаллий Кенгашларда партиянинг 444 нафар депутати 84 та депутатлик гуруҳига бирлашган ҳолда фаолият юритаётгани таъкидланди. Маҳаллий депутатлар айни пайтда мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунида мустаҳкамланган ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланиш, марказда ва жойларда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича Давлат дастурларини амалга оширишда қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат ва вазифалардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бугунги кунда барча депутатлар олдида ўзлари мансуб бўлган сиёсий партияга билдирилган ишончни оқлаш, сайловчиларга берган ваъдаларининг устидан чиқишдек катта масъулият турибди. Шундан келиб чиқиб, мазкур Пленумда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларни мисол сифатида келтириш мумкин. Шунингдек, жойларда тадбиркорларнинг кредит олишларида тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларни ҳал этишда кўмак берилди, ижтимоий шерикчилик, муқобил энергия турларидан кенг фойдаланиш, мамлакатнинг энг чекка ҳудудлари аҳолиси ўртасида тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, бандлик муаммоларини бартараф этиш бўйича бизнес-режалар тузиш, оилавий бизнесни шакллантириш бўйича турли хил тавсиялар берилди.

Шу йилнинг биринчи ярмида ҳудудий партия ташкилотлари томонидан жами 1519 та тадбир ўтказилди. Улардан 81 таси "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини амалга оширишга бағишланган. Ушбу кўрсаткични партиямиз учун етарли деб бўлмайди, албатта.

Партиямиз Марказий аппарати томонидан йилнинг бошидаёқ Давлат дастурини бажаришга кўмаклашиш мақсадида "Мадад" суғурта агентлиги билан ҳамкорликда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш ҳақидаги шартнома имзоланди.

Ўтказилган тадбирларнинг аксариятида эътибор нафақат иқтисодий жиҳатларга, балки тадбиркорлик соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга, ҳамда бизнесни шакллантириш, ёшларни иш билан таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш масалаларига қаратилди. Бундан ташқари, партиянинг иқтисодиёт соҳасидаги фаолияти бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини чуқурлаштиришга қаратилгани эътиборга моликдир.

Таъкидланганидек, партия яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ҳамда ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишининг сақлаб қолинишини қўллаб-қувватлайди. Тадбирларда кичик бизнес ва хусусий тад-





ридаги партия гуруҳлари депутатлик назоратини кучайтиришлари, партия платформасида белгиланган вазифалар доирасида жорий ва келгуси йилларга мўлжалланган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид давлат дастурларининг бажарилишида фаол иштирок этишлари, бунда, айниқса, иқтисодиётнинг барча соҳаларига инновацияларни жорий этиш, ижтимоий ҳимояни таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишлари лозимлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу борадаги вазифаларни бажаришда фаоллик кўрсатиб, муайян ютуқларга эришаётган маҳаллий кенгашлар фаолияти ижобий баҳоланиб, мазкур йўналишда сусткашликка йўл қўйган партия ташкилотлари танқид остига олинди.

Иккинчи масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қ.Жўраевнинг маърузаси тингланди. Қайд этилганидек, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташкилотлари томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури бажарилиши жараёнида бир қатор тадбир, учрашув, давра суҳбатлари ва семинар-тренинглар ўтказилди, амалий ишлар бажарилди. Бунга муқобил энергия турларини ривожлантириш бўйича илмий-амалий семинарлар, "UMT" компанияси билан инновацион технологияларни тиббиётга қўллаш масалаларига оид амалий тадбирлар, Ўртачирчиқ туманида биогазни қўллаш бўйича ўтказилган семинар, ***"Энг яхши ижтимоий бизнес-ғоя"*** республика кўрик-танлови кабибиркорлик соҳаси вакилларининг мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича фаолияти ўрганилди, бу борадаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинди ва уларнинг ижтимоий масъуллигини келгусида оширишнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўтказилган тадбирларда Давлат дастурини бажаришда партия ташкилотлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиши, улар томонидан бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши диққат билан кузатилиши, тадбиркорларга бизнесини кенгайтиришда ҳалал берадиган тўсиқларни бартараф этиши ҳамда тадбиркорликнинг янги субъектларини очиш ва иш жойларни яратиш бўйича иш олиб бориши ҳақидаги масалаларга асосий урғу берилди.

Пленум давомида Давлат дастури ижроси юзасидан маҳаллий кенгашларга юклатилган вазифаларни бажариш борасида фаол иштирок этмаган партия Кенгашлари фаолияти кескин танқид остига олинди, камчиликларни бартараф этиш юзасидан улар олдига аниқ вазифалар қўйилди. Келгуси 2012 йилда қабул қилинадиган Давлат дастурининг бажарилишида барча ҳудудий партия ташкилотлари фаоллигини янада ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Вилоят Кенгашлари раислари ҳамда партия фаолларининг муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалари ва таклифлари эшитилди.

Кун тартибига қўйилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# Сўз Пленум иштирокчиларига

**С.РАУПОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП,
Сиёсий Кенгаши раиси
ўринбосари.



*— Бугун ҳеч кимга сир эмас, ҳар бир сиёсий партиянинг бош мақсади сиёсий ҳокимиятни эгаллаш, ўз олдига қўйган мақсад-вазифалар доирасида давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этишдан иборат. Бинобарин, бизнинг Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам 2009 йилда бўлиб ўтган сайловларда фаол қатнашиб, барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларида кўп ўринга эга бўлиш ва шу аснода ўз электорати манфаат ва эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш, жамият ва давлат қурилиши жараёнларида иштирок этишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган эди.*

*Бошқа сиёсий партияларга нисбатан маҳаллий депутатларимиз сонининг бирмунча камлигига қарамасдан, ўтказилган бир қатор амалий ишлар натижасида «Адолат» социал-демократик партиясининг кучли депутатлик корпусини шакллантириш ва улар орқали мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан қабул қилинган* ***«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»****ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунида мустаҳкамланган имкониятларни тўлиқ амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда.*

*Депутатлар партия Уставида белгиланган вазифаларни ўзи аъзо бўлган комиссиялар, сайлов округларидаги фаолияти орқали тўлақонли амалга ошириб келмоқда. Буни ўтган ўн ой мобайнида ўн нафар депутат иштирокида 315 дан зиёд турли тадбирлар, хусусан, сайловчилар билан учрашувлар, давра суҳбати, семинар, йиғилиш ва оммавий тадбирлар ташкил этилгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин.*

*Ўтган давр мобайнида депутатларимиз кўплаб фуқароларнинг муайян муаммолар бўйича ариза, шикоят ва мурожаатларини ўрганиб чиқиб, муаммолар ечимига имкон қадар ёрдам берди, ваколати доирасида ҳал қилишга кўмаклашди.*

*Хусусан, 2011 йилнинг ўтган даврида Бухоро вилоятидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан 22 та, Самарқанд вилояти партия гуруҳлари томонидан 17 та, Сурхондарё вилоят партия гуруҳлари томонидан 5 та, Тошкент вилояти партия гуруҳлари томонидан 23 та, Қашқадарё вилояти партия гуруҳлари томонидан 5 та масала — жами 72 масала тегишли халқ депутатлари Кенгаши сессияларига киритилган.*

*Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Давлат дастури бўйича ҳам партиямиз депутатлик гуруҳлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.*

*Жумладан, янги иш жойларини яратиш, ишсизларни иш билан таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳар маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари ва депутатлари томонидан самарали ишлар олиб борилиб, мингга яқин фуқаро иш билан таъминланди.*

*Ҳудудларнинг маиший инфратузилмасини яхшилаш, сув, газ, иссиқлик билан таъминлаш борасидаги муаммоларни ҳал этишда Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари маҳаллий депутатлари бир қатор фойдали ишларни амалга оширдилар.*

*Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партиямиз вакиллари томонидан кам таъминланган оилалар, пенсионер ва фахрийларга ҳомийлик ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдам кўрсатилди.*

*Ўйлаймизки, депутатларимиз Пленумда билдирилган фикр-мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлиб, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш борасидаги ўз фаолиятларини янада кучайтирадилар.*

**К.ШОДИМЕТОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Тошкент вилояти
Кенгаши раиси.



*— Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши тобора ортиб бораётгани мазкур соҳага давлатимиз томонидан қаратилаётган юксак эътибор ва яратилаётган имтиёзлар самарасидир.*

*Тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришда сиёсий партиялар ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши ҳам кичик бизнес вакилларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ишлаб чиқариш мақсадлари учун маблағлар ажратилишига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Эътиборлиси, бу борада муайян ютуқларга эришилмоқда.*

*"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини амалга оширишда Ўзбекистон "Адолат" СДП иштирокини таъминлаш борасида Ҳаракат дастуримиз мавжуд. Ана шу нуқтаи назардан фаолиятимизда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз.*

*Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур соҳа вакилларини қўллаб-қувватлашга қаратилган 50 га яқин тадбирлар ташкил этилди. 20 нафардан ортиқ фуқароларга бевосита партия фаолларининг кўмаги билан ўз кичик бизнесларини йўлга қўйишларига эришилди.*

*2 та кўрик-танлови ўтказилди. Яна бир кўрик-танлов яқинда якунини топади.*

*Мазкур йилнинг бошида вилоят партия Кенгашининг амалий ёрдами билан Ўртачирчиқ туманидаги "Кучлик" маҳалласида Ўзбекистон "Адолат" СДП дастури доирасида чиқиндидан биогаз ва биоўғит олиш қурилмаси ишга туширилди. Суткасига 200-300 килограмм чиқиндини қайта ишлаш қувватига эга бўлган қурилманинг ишга туширилиши бир неча янги иш ўринларини яратди. Ундан олинаётган биоўғит даромад манбаига айланмоқда. Айни вақтда эҳтиёждан келиб чиқиб, бундай қурилмаларни ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш устида амалий ишлар олиб борилмоқда. Ушбу инновацион лойиҳа қўллаб-қувватланди.*

*Яна бир мисол: Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят Кенгаши ташаббуси ва кўмаги билан Бектемир туманидаги мебель профиллари ва панеллар ишлаб чиқаришга асосланган "CAPS Furnituri Components" масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаши ўнлаб ёшларни муқим иш ўринлари билан таъминлади.*

*Шунингдек, Оҳангарон туманидаги "Покизахон" ўқув марказининг ташкил этилишида ҳам вилоят, туман партия Кенгашининг ҳиссаси бор. Ўқув марказида қизлар қандолатчилик, сартарошлик, тикиш-бичиш, элита услубида пардалар тикиш, зардўзлик каби ўнлаб йўналишда таҳсил олмоқдалар. Ўқув марказида тикув цехи ҳам фаолият юритмоқда. Бу эса маҳаллий аёлларни иш билан таъминлаш имкониятини яратади.*

*Яқинда тадбиркорлар учун мўлжалланган "Муқобил энергия — ҳаётга" китоби нашрдан чиқди, у республикамизнинг туман, шаҳар ва вилоятларига қўлланма сифатида тарқатилди.*

*Вилоят партия Кенгаши ҳудудларда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — фаравонлигимиз, тараққиётимизнинг мустаҳкам таянчи", "Оилавий бизнес — даромад манбаи" мавзуида давра суҳбатлари ташкил қилиб, аҳолини тадбиркорлик, ишбилармонлик билан шуғулланишга, ўз меҳнати билан оиласи даромадини кўпайтиришга рағбатлантирмоқда.*

# Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият

Давоми. Боши 1-бетда

Юртимизда амалга оширилаётган ҳозирги изчил ислоҳотлар жараёнида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва шу йўл билан уларнинг бу жараёндаги иштирокини кучайтириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

— Президентимиз "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига алоҳида урғу бердилар, — деди фракция аъзоси Феруза Омонова. — Жумладан, жамиятнинг демократик йўлидан жадал ривожланиши, бу борадаги ислоҳотлар муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасига боғлиқлиги ҳамда юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичи эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда илм-фан, таълим ва маърифатни, ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишга, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғуси янада ортишига хизмат қилмоқда. Таъкидлаш керакки, ҳуқуқий билимлар ёшларнинг Конституцияни, миллий ва халқаро қонунларни қай даражада ўзлаштиришлари, парламентда тайёрланаётган қонунлар моҳияти ҳақида маълумотга эга бўлишлари билан боғлиқдир. Шу сабабли тадбирда миллий ва халқаро қонунчилик, Конституциямиз ва ҳуқуқий билимлар ҳақида ёшлар ўртасида мунтазам суҳбатлар олиб бориш муҳимлиги таъкидланди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият эканлиги алоҳида эътироф этилди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими — Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг бугунги кундаги фаолияти хусусида ёшларга кенг тушунчалар берилди.

— Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтган қисқа давр мобайнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида миллий қонунчилик тизимини ташкил этувчи юздан ортиқ қонунлар қабул қилинди, — деди фракция аъзоси Камола Ҳамидова. — Аввало, алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқимиз, миллатимиз, давлатчилигимизнинг ва инсоният ҳуқуқий маданиятининг барча илғор қадриятлари чамбарчас ва узвий боғлиқ эканлиги ўз аксини топди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 га яқин халқаро шартномага қўшилди ва улар бугунги кунда ҳуқуқий воқелигимизнинг ажралмас қисмига айланди. Шунингдек, мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига давлат даражасида эътибор кўрсатиб келинмоқда. Бош Қомусимизнинг 19 йиллиги муносабати билан ташкил этилган бугунги тадбир ҳам бу борадаги ишларимизнинг узвий давомидир.

Давра суҳбатида Ўзбекистон "Адолат" СДП сайловолди дастурида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид ислоҳотларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида қатор вазифаларни белгилаб олганлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик социал-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича кенг кўламли ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилишни ташкил этиш, халқаро ташкилотлар, энг аввало, БМТ тизимидаги муассасаларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга бағишланган халқаро тадбирларида Ўзбекистон вакилларининг фаол иштироки бўйича яқин ҳамкорликни таъминлаш сингари вазифалар хусусида кенг тушунча берилди.

Шунингдек, давра суҳбатида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида барча соҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнининг пировард мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга йўналтирилгани таъкидланди. Бу жиҳатлар аҳоли, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётгани атрофлича таҳлил этилди.

Тадбирда ёшлар ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этишди.

— Ёш авлод онгида қонун устуворлигини таъминлаш, йигит-қизларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш Кадрлар тайёрлаш миллий дастури моҳиятига сингдирилган, — деди Тошкент давлат техника университети талабаси Баҳодир Мажидов. — Бу эса аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришда таълим соҳаси имкониятларидан кенг фойдаланилаётганлигидан далолатдир. Бугунги давра суҳбати эса бу борадаги мавжуд билимларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, албатта.



Давра суҳбати якунида мавзуга оид тегишли тавфсиялар ишлаб чиқилди.

# Партия аралашуви билан

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Тошкент вилояти Кенгаши
матубот хизмати.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси мустақил Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, шунингдек, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш, инсон ҳуқуқлари ва эркини, маънавият ва маърифат қарор топган фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ўз ролини тобора кучайтириб бормоқда.

Тошкент вилояти Кенгаши ҳам жойларда аҳолининг қонуний манфаатларини ҳимоялашга, жамиятда ижтимоий адолат устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Буни кўплаб мисоллар орқали ҳам кўриш мумкин.

Шу йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши расмий веб-сайтига Юқоричирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони, Юнус Ражабий кўчаси 22-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Беҳзод Собитов томонидан йўлланган шикоят мактуби келиб тушди. Унда айтилишича, хонадон дарвозаси яқинда ер тагидан 5 кун мобайнида катта босимда сув отилиб чиқиб турган. Бунинг оқибатида яқин атрофдаги беш оила зарар кўрган. Туман «Сувоқова»ташкилотига қилинган мурожаатлар натижа бермагач, нажот истаб "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгашига мурожаат қилишга мажбур бўлишган.

Партия вилоят Кенгаши ушбу масалани яқиндан ўрганиб чиқди ва мазкур муаммони ҳал этиш бўйича Юқоричирчиқ тумани ҳокимлигига оғзаки (белгиланган) тартибда мурожаат этди. 13 октябрь куни партия Кенгашининг расмий веб-сайтига Беҳзод Собитовдан миннатдорчилик мактуби келди. Маълум бўлишича, партия аралашувидан кейин муаммо ўз вақтида ижобий ҳал этилибди: "Тўғриси, мен мурожаатим бунчалик тез самара беришини кутмагандим. Сизларга мурожаат қилганимдан сўнг ҳоким ўринбосари ва туман "Сувоқова" ташкилоти мутасаддилари келиб, таъмирлаш ишларига бош-қош бўлишди.

Албатта, фуқароларнинг ўз муаммолари юзасидан партия ташкилотига мурожаат қилишлари мазкур партияга жойларда эътибор ва ишонч юксалаётганидан далолат беради. Ўз навбатида партия мутасаддилари ҳам билдирилган ишончни оқлаб, фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга ҳисса қўшгани бу ишончнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши, туман ва шаҳар Кенгашларида ҳам бу каби масалаларга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

## Нуқтаи-назар

# Конституция — эркинлик ва тараққиёт гарови

Давоми. Боши 1-бетда

Ўн тўққиз йил — тарихан қисқа муддат. Бу йилларда асосий эътибор мустақилликни мустаҳкамлаш, уни ички ва ташқи хуружлардан асраш, собиқ тузумнинг одамлар онг-шуурида сақланиб қолган сохта "қадрият"ларидан қутулиш, мураккаб ва оғир вазиятда мамлакатда кенг қамровли иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш, янги қонунчилик тизимини юзага келтириш, жамият ҳаётида демократик тамойилларнинг барқарор бўлишини таъминлашга қаратилди. Биз бугун кейинги йигирма йиллик ҳаётимизни кўз ўнгимизга келтирар эканмиз, эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилиб, жаҳон давлатлари сафидаги бугунги обрў-эътиборимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, дунё давлатчилиги тараққиётига қўшаётган ҳиссамиздан, Ўзбекистон тажрибаси бугун жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини, давлат ва жамоат арбобларини, молиячи, иқтисодчи, ҳуқуқшунос олимларни қизиқтираётганидан, улар мамлакатимизга тажриба ўрганиш учун ҳам келишаётганидан қалбимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлади. Буларнинг ҳаммасига Асосий Қонунимиз, муҳтарам Юртбошимиз белгилаб берган тамойилларга оғишмай амал қилганимиз, ҳамфикр ва ҳамжиҳатликда яшаётганимиз, фақат бугунги кунни эмас, яқин ва олис келажакни, биздан кейин келадиган авлодларнинг бахтли ҳаётини ҳам ўйлаб иш тутаётганимиз сабабчи, деб тўла маънода айта оламиз. Бугун, дунёнинг ривожланган йирик мамлакатлари жаҳон миқёсида кечаётган иқтисодий-молиявий инқирознинг нохуш оқибатларига дучор бўлиб турган бир пайтда, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурлари тўла амал қилаётгани фикримизга далил бўла олади.

Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган бош тамойиллар, мақсад ва вазифалар ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда тўлиқ аксини топаётгани, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир давлатимиз раҳбари таклиф этган Концепциясига биноан унга киритилган ўзгартишлар, шубҳасиз, халқимизнинг, ҳар биримизнинг мустақиллик йилларидаги энг муҳим ютуғимиз ҳисобланади. Галдаги вазифа — қонун устуворлиги ва қонунийликни янада мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, бу йўналишдаги ислоҳотларни изчиллик билан давом эттиришдан иборат. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибида ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг қонунга зид ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши муҳим аҳамият касб этади.

Конституциямизда мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши, уларнинг ривожланиши учун зарур бўлган шароитларнинг яратилиши алоҳида эътироф этилади. Бундай кафолат ҳар кишида ягона Ватан туйғусини, умумий уйда тинч-тотув, аҳилиноқ яшаш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, меҳнат қилиш, илм олиш, ўзликни намоён этиш кайфиятини, айни чоғда, шу азиз Ватан бойликларини кўпайтириш, уларни асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказиш ниятини кучайтиради, жамият аъзолари қалбида Ватан тинчлиги ва равнақи учун масъуллик ҳиссини юзага келтиради.

Ватан тараққиёти, миллий юксалиш, жамият олдига қўйилган улуғвор вазифаларнинг бажарилиши, аввало, бу мақсадларга эришиш учун зарур бўлган иқтисодий шарт-шароит ва ҳуқуқий асосларнинг мавжудлигига боғлиқ. Истиқлол Конституцияси, энг аввало, ана шу шароитларни яратиб берди. Халқимизнинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонун устуворлигига эришиш орқали адолатли ва эркин жамият барпо этиш бош мақсад қилиб қўйилди. Олий Мажлиснинг қарори билан тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" (1997 йил), Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши (2001 йил), Вазирлар Маҳкамасининг "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори (1998 йил) ва бошқа муҳим ҳужжатлар бу борада дастуриламал бўлди.

"Айни пайтда барчамиз бир ҳақиқатни ўзимизга аниқ тасаввур этишимизни истардим,— деб таъкидлаган эди Юртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида. — Яъни эришилган бундай марралар — барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос. Бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай бир хавф борки, у ҳам бўлса, авваламбор, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш хавфидир. Бу эса мамлакатимиз тараққиётининг самарадорлиги ва истиқболига салбий таъсир кўрсатиши мумкин".

Дарҳақиқат, мамлакатимиз Бош Қонунида, муҳтарам Юртбошимиз таклиф этган Концепцияда кўзда тутилган улуғвор вазифаларни тўла рўёбга чиқариш борасида ўтган давр ичида тарихий аҳамиятга молик ишлар қилинди. Эришган ютуқларимиз дунё ҳамжамияти томонидан расман эътироф этилди. Аммо бу ютуқлар, таъкидлаб ўтилганидек, хотиржам бўлишимизга асос бўлолмайди. Давр шиддат билан ўтиб бормоқда. Ҳаётнинг ўзи, турмуш тарзимизда, онг-шууримизда юз бераётган ўзгаришлар олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда. Эркин, демократик жамият қурилиши жараёни муттасил ривожланиб бормоқда. Шундай экан, Бош Қомусимизни, Концепцияда, давлатимиз раҳбарининг бошқа нутқ ва маърузаларида олға сурилган ғоя ва таклифларни, ўртага қўйилган долзарб вазифаларни янада чуқур ўрганишимиз, шу асосда партиявий тарғибот-ташвиқот иши самарадорлигини таъминлашимиз, партиямиз аъзоларини янги бунёдкорлик ишларига даъват этишимиз зарур.

# Муқобил энергия манбалари

### улардан фойдаланишда инновацион технологиялар муҳим ўрин тутади

Давоми. Боши 1-бетда

Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, тежамкор, замонавий технологияларни қўллаш ишлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, партиямизнинг Сайловолди дастурида ҳам муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишни кенг йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Дастурда келтирилганидек, энергияни қатъий тежаш тартиби, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш масалалари ҳам партиямиз диққат марказидадир.

Шундан сўнг "Электр энергияси тежамкорлигини таъминлаш омиллари" мавзусида маъруза қилган Қашқадарё электр тармоқлари ҳудудий очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси Ўткир Хушмуродов жумладан, шундай деди:

— Сир эмас, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли ишлаб чиқариш ва саноат корхоналари, шунингдек, аҳоли яшаш жойларининг кўпайиши эвазига электр энергиясига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Биргина вилоятнинг ўзида 428 минг хонадонга ҳар кеча-кундузда 15 миллион киловатт соатдан ортиқ электр энергия етказиб берилаяпти. Энергияни узлуксиз узатиш учун айни пайтда 167 та подстанция, 8057 тадан зиёд трансформаторлар тўхтовсиз ишлаб турибди. Аммо айрим истеъмолчиларнинг электр энергия ҳақини ўз вақтида тўламаётганликлари, қолаверса, ундан оқилона фойдаланиш ўрнига эътиборсизлик билан худа-беҳуда ишлатиш ҳолатларининг учраётгани бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу боис, назаримда муқобил энергия манбаларидан кенгроқ фойдаланишга ўтиш керак деб ўйлайман. Негаки, юртимиз иқлим шароитида қуёш энергияси сингари табиий ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишнинг улкан имкониятлари мавжуд. Демак, муқобил энергия манбаларидан янада кенгроқ фойдаланишга эътиборни кучайтириш, табиатнинг ўзи инъом этган бу имкониятлардан самарали фойдаланиш ўзимизга боғлиқ.

Қизғин мунозараларга бой ўтган ўқув-семинарда бошқа фаоллар ҳам сўзга чиқиб, соҳадаги янгиликлар, воҳада электр энергиясини ишлаб чиқариш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ ютуқлар, бу борада мавжуд муаммолар ва камчиликлар, уларни бартараф этиш чоралари хусусида асослантирилган фикр ва амалий таклифлари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, Қашқадарё электр тармоқлари ҳудудий очиқ акциядорлик жамиятида партия аъзолари ва хайрихоҳларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш мақсадида "Адолат" СДП билимдони" мавзусида ҳам давра суҳбати ташкил этилди. Учрашувда иштирок этган "Адолат" СДП вилоят Кенгаши аъзолари партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари, ҳозирги кундаги фаолияти ҳақида кенг фикр-мулоҳаза юритдилар.

# Она ва бола саломатлиги —

### жамиятнинг эртанги куни буюклиги

Давоми. Боши 1-бетда

Шубҳасиз, бу мамлакатимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг халқаро даражада тан олинишидир.

Жаҳонда молиявий-иқтисодий танглик ҳамон давом этаётганига қарамай, Ўзбекистонда кейинги уч йилда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаш икки ярим баробар кўпайди. Савол туғилади: хўш, булар нималар эвазига эришилаяпти? Жавоб лўнда: юртимиздаги тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва Юртбошимизнинг бу соҳага алоҳида эътибори туфайли, албатта. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бош директори Маргарет Ченнинг симпозиум очилишидаги нутқидан бир иқтибос келтирайлик: "Жорий йилда мисли кўрилмаган табиий офатлар, сув тошқинлари, цунами, ядро фалокатлари, Африка қитъасидаги оммавий очарчилик, Яқин Шарқдаги бир неча давлатларда ҳукуматнинг алмашишига олиб келган фуқаролар можаролари рўй берди... Биз глобал инқирозлар кетма-кет содир бўлаётган мураккаб бир даврда яшаяпмиз. Иқтисодий вазиятнинг ёмонлашиши давом этаяпти".

ЖССТ Бош директорининг бу сўзлари кишини мушоҳадага чорлайди. Атрофдаги мамлакатларга бир назар ташланг: доимий низолар, уруш-жанжаллар, келишмовчиликлар гирдобида қолган Афғонистонда хотин-қизларининг атиги 2 фоизи ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга, холос. Мамлакатда аёлларнинг 85 фоизи, эркакларнинг эса 51 фоизи бутунлай саводсиз. Аҳолининг ярмидан кўпроғи қашшоқликда кун кечиради. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, мамлакатда ўқилган никоҳларнинг 57 фоизида келиннинг ёши 16 дан кичик бўлган. Қишлоқ жойларида ҳаттоки 8-10 ёшли қизчалар ҳам кўпинча қарз эвазига турмушга узатилади. Ҳар 100 000 нафар кўзи ёриган аёлдан 1600 таси вафот этмоқда. Ёши 14 дан кичик бўлган оналар орасида эса ўлим кўрсаткичи 5 баробар юқори. Аёлларининг 48 фоизида камқонлик, 48 фоизида йод етишмаслиги кузатилган, ўртача умр эса 44 ёшни ташкил этади. Биргина Ҳиротда йил давомида 90 нафар аёл ўзига ўзи ўт қўйган...

Маргарет Чен хоним ўз нутқида бунга ўхшаш ҳолатларга алоҳида тўхталиб ўтди: "Жаҳоннинг аксарият давлатларида аёллар ўзининг ёки фарзандларининг ҳаёти қил устида турган бўлса-да, тиббий ёрдамга мурожаат қилиши учун эри ёки унинг қариндошларидан рухсат олиши керак". Бу бир қарашда ўрта асрлар жоҳиллиги бўлиб кўринадиган вазиятлар, аммо афсуслар бўлсинки, дунёда ҳамон учраб турибди.

Ҳа, тинчлик-осойишталик барқарор, жаннатмонанд, иқтисоди тобора ривожланиб бораётган юртда яшаётганимиз учун шукроналар айтсак арзийди. Фақат мана шундай юртдагина, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори Жужанна Якаб ўз интервьюсида алоҳида таъкидлаб ўтганидек, ҳар йили мамлакат миллий бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳага, унинг 35 фоизи оналик ва болаликни муҳофаза этишга йўналтирилиши мумкин.

Зеро, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш дегани, бу, энг аввало, халқнинг, миллатнинг келажагини ҳимоя қилиш дегани. Президентимиз сўзлари билан айтганда: "Худо таоло яратган табиатнинг буюк мўъжизаси бўлмиш аёл дилбандини тўққиз ой бағрида, юрак остида авайлаб дунёга келтиради. Уни вояга етказиш учун ўзини аямасдан, бутун ҳаётини бахшида этади. Ана шу жараёнда аёл неки яхшилик ёки ёмонлик кўрса, она вужуди орқали ҳомилага ўтади. Соғлиғи ночор, хўрланган, изтироб чеккан онадан соғлом фарзанд туғилмайди.

Шу маънода аёлларни, оналарни асраш керак, дегани — бу фарзандларни асраш, наслни асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир".

Ўзбекистонимизда "Соғлом она — соғлом бола" миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирлар янада кучайди, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллашди, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини муттасил ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларида жадаллик кузатилди.

Биргина қишлоқ врачлик пунктларини олайлик. Мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам бундай шифо масканларини учратасиз. Президентимиз симпозиум очилишидаги нутқида қайд этиб ўтганидек, булар бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган оддий фельдшерлик-акушерлик пунктлари эмас. ҚВПлар энг замонавий тиббий жиҳозларга эга. Уларда юқори малакали умумий амалиёт шифокорлари меҳнат қилишмоқда. Барча вилоятларда ҚВПлар ўз фаолиятини бошлаганидан бери аҳолининг турли сабаблар билан туман, вилоят шифохоналарига, ҳаттоки пойтахтга қатнаши кескин камайиб, энг асосийси, вақтида ўтказилаётган профиклактик тадбирлар туфайли кўплаб хасталиклар олди олинаётгани бор гап.

Она ва бола саломатлиги, алоҳида олганда ҳар бир кишининг ва ҳамманинг соғлиғи бутун дунё миқёсидаги глобал вазифадир. Бу қадар кенг кўламли вазифани адо этмоққа Ватанимиз ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Президентимиз алоҳида қайд этиб ўтганидек, мамлакатимиз пойтахтида ўтган нуфузли халқаро форум натижалари пировардида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш учун хизмат қилади. Зеро, **"ҳар бир одам учун узоқ ва соғлом умр кўриш бахтли ҳаёт кечиришнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади"**.

Ҳа, она соғлом бўлса, бола ҳам соғлом. Она-бола соғлиги — оила соғлиги. Оила соғлиги — жамият соғлиги. Табиийки, жамиятнинг соғломлиги унинг эртанги куни буюклигидир. Биз ҳаммамиз мана шундай яшашга интилаётган, мана шундай эзгу ниятлар билан одимлаётган мустақил Ватан — Ўзбекистон фуқароларимиз. Ҳар қанча фахрланишга, ғурурланишга ҳақлимиз. Президентимиз таъбири билан айтганда **"Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат — кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз — яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган"**.


**ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!**

**"Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки**

MIKROKREDITBANK

***Сизларни Конституциямизнинг 19 йиллиги билан муборакбод этади.***

Ҳурматли мижозлар!
"Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки Сизларга **«Интернет-банк»**, **«SMS-банк»** ва **«SMS - TO'LOV»** хизматларини таклиф қилади.

***«Интернет-Банк»*** – Интернет тармоғига уланиш мумкин бўлган ҳар қандай жойдан туриб мижозларга кенг қамровли банк хизматлари кўрсатиш технологиясидир.

***«Интернет-Банк»*** хизмати орқали ташкилотингизнинг раҳбари ёки бухгалтери ўз иш жойида турган ҳолда:
- тўловларни ўтказиши;
- ҳисоб рақамингизга келиб тушаётган маблағлар ҳақида маълумотлар олиши;
- ҳисоб рақамидан ўтказилаётган маблағларни назорат қилиши;
- барча зарур ҳисоботларни олиши мумкин.

***"SMS-банк"*** – хизмати мижозга масофадан туриб уяли телефон орқали SMS хабари алмашиш асосида хизмат кўрсатиш имкониятини яратади.

***"SMS-банк"*** – Сизга ҳисоб рақамингиздаги ҳар бир банк амалиёти тўғрисида хабар беради.

***"SMS-банк"*** хизмати орқали Сиз куннинг ҳар қандай соатида, ҳатто дам олиш ва байрам кунларида ҳам ҳисоб рақамингиздаги маблағларнинг қолдиғи тўғрисида маълумот олишингиз мумкин.

**«SMS-TO'LOV»** – банк хизмати борасида ўзига хос янгилик бўлиб, "Микрокредитбанк" билан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг лойиҳаси ҳисобланади.

**«SMS-TO'LOV»**га уланиш учун мижоз банкка келиб, уяли телефонига тайёрланган электрон рақамли имзо калити бўлган махсус дастурни ўрнатади. Бунда тўғридан-тўғри уяли телефон орқали банк ҳисоб рақамидан транспорт йўлкираси, дўкондан сотиб олинган маҳсулотлар учун, шунингдек, коммунал ва бошқа тўловларни тўлаш имкони яратилади.

*Банкимизнинг замонавий хизматларидан фойдаланганингиз учун аввалдан миннатдорчилик билдирамиз.*



Хизматлар лицензияланган.




# «АГРОБАНК»

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни, мижозларни ва ҳамкасбларимизни мамлакатимиз

*Конституцияси куни билан муборакбод этади!*




**Сизларга тинчлик, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди!**




# «ЗАРАФШОНТРАНС»

## МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ АЪЗОЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллик байрами билан барча ҳамюртларимизни самимий қутлайди!*






*Юртдошларимизга ҳамиша оилавий бахт ва осойишталик ҳамроҳ бўлсин!*

*Байрам муборак азизлар!*





# «ШЎРТАННЕФТГАЗ»
## унитар шўъба корхонаси жамоаси

Барча юртдошларимизни
мамлакатимизнинг
асосий қонуни —
Ўзбекистон Республикаси
**Конституцияси
қабул
қилинганининг
19 йиллиги**
билан самимий қутлайди!

Эркин ва демократик жамият
қуриш йўлида барчамизга
улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!
Байрамингиз муборак!







# “Сержантлар”

“Ватан азиз, жасорат мангу” танловига

**А. ЙЎЛДОШЕВ.**

Ҳамма замонларда ҳам Ватан ҳимоячилари алоҳида эъзоз ва эътиборда бўлишган. Зеро, юрт тинчлиги, осойишталиги, сарҳадларимизнинг дахлсизлиги, хотиржам ҳаёт — буларнинг ҳаммаси айнан Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган фидойи аскарларимиз, сержантларимиз ва зобитларимиз туфайлидир.

Мустақиллик йилларида армиямиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ҳарбий соҳада олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини кўрсатмай қолмади. Бундай саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, бугун яна бир ҳақиқатни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз: ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир йигит учун шарафли бурчга, фахрга айланди. Қайси қишлоқда, шаҳарда бўлманг, “Мен армияга бораман!” дея кўкрак кериб юрган ёвқур йигитларни учратасиз. Бу Ўзбекистон Қуролли Кучларининг обрўйи нақадар юксаклигидан яна бир далолатдир. Бу Юртбошимизнинг “Ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг нуфузли, шон-шараф иши бўлмоғи лозим”, деган ҳикматли тилагининг тўла ижобат бўлганидир.

Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ йигитларимиз ҳарбий хизматга йилига бир марта, яъни февраль-март ойларида чақирилиши белгилаб қўйилганлиги ҳам айни муддао бўлди.

Албатта, Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қила бошлаган ёшларимизнинг қисқа муддат ичида малакали аскар, фидойи ватанпарвар бўлиб етишишида сержантлар таркибининг алоҳида ўрни бор. Мана шу жиҳат эътиборга олинган ҳолда, мамлакатимизда сержантлар тайёрланадиган махсус ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда.

Республикамиз ёшларининг ҳарбий хизматни ўташга бўлган улкан интилиш ва қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда “Ўзбектелефильм” студиясида “Сержантлар” деб номланган ўн беш қисмли сериал суратга олиниб, шу йил бошларидан мамлакатимиз телеканаллари орқали намойиш этилди. Ж.Қосимов, Ф.Низомовлар сценарийси асосида саҳналаштирувчи режиссёр Нуриддин Қосимов суратга олган ушбу фильм сержантлар мактабининг тингловчилари ҳаётидан ҳикоя қилади.

Фильм, айниқса, ёшларга жуда маъқул келди. Айрим маълумотларга қараганда, сериал намойишидан кейин сержантлар мактабига кириб ўқиш истагида бўлган ёшлардан аризалар ёғилиб кетган.

Мана, фильм қаҳрамонлари сержантлар тайёрлайдиган ўқув даргоҳини битиришди ва ҳаётга йўлланма олишди. Энди уларнинг бевосита ҳарбий қисмлардаги ҳаёти қандай кечади? Уларнинг назарий билимлари амалётида қай даражада қўл келади? Бундай табиий равишда туғиладиган саволларга жавоб бериш ниятида “Ўзбектелефильм” ижодкорлари яна бир хайрли ишга қўл урдилар. Куз ойларида Фарғона водийси ва Чирчиқда “Сержантлар” сериалининг давоми суратга олинди. Мансур Абдухолиқов ва Дилмурод Масаидовлар қаламига мансуб сценарийни экранга кўчириш ёш режиссёр, томошабинларга “Лола”, “Ҳаёт жилғалари” сериаллари билан танилган Дилмурод Мирҳидоевга ишониб топширилди. Сериалдаги асосий ролларни Бобур Арслонов, Элбек Файзиев, Улуғбек Рустамов, Мурод Иноғомов, Шоҳруҳ Тўйчиев сингари ёш “сержант” ва “аскар” актёрлар билан бир қаторда Шодия Тўхтаева, Фахриддин Шамсиматов, Дилмурод Қамбаров каби таниқли актёрлар ижро этишди.

Саҳналаштирувчи режиссёр Д.Мирҳидоевнинг ўзи ҳозирча шартли равишда “Сержантлар-2” деб номланаётган фильм ҳақида шундай ҳикоя қилади:

— Тўғриси, ҳарбийлар ҳаётидан фильм суратга олиш анча машаққатли кечди. Ахир, оддий фильмда мисол учун қаҳрамонларингиз учрашувини бирон ўзингизга маъқул жойда суратга олишингиз мумкин. Ҳарбий мавзудаги картинада эса бундай қилиб бўлмайди. Чунки қаҳрамонларингиз Устав бўйича кийинишлари, гапиришлари, ўзларини тутишлари керак. Айниқса, оғир ҳарбий машқларда актёр озгина сохталикка йўл қўйдими, буни ҳақиқий аскарлар ҳам, томошабинлар ҳам дарҳол сезиб қолишади. Ҳарбийларнинг ҳам, томошабинларнинг ҳам ҳафсаласини пир қилмаслик, аксинча, ишончини қозониш учун ҳар бир эпизодни қайта-қайта суратга олишдан, маслаҳатчиларнинг йўл-йўриқларига амал қилишдан эринмадик. Бундай оғир меҳнатга актёрлардан ташқари ижодий гуруҳимизнинг ёш аъзолари ҳам матонат билан чидаб бердилар. Мен, айниқса, гуруҳимизнинг Сардор Тошмуродов, Сайфиддин Икромов, Артур Ким, Шерзод Аъзамов, Зебунисо Бекова, Фаррух Абдуқодиров сингари кўплаб фидойи ходимларидан миннатдорман.

Албатта, ҳарбийлар ҳаётини суратга тушириш осон эмас. “Сержантлар”нинг аввалги қисмида ҳам саҳналаштирувчи операторлик вазифасини бажарган тажрибали оператор Хушнуд Ғаниев шундай ҳикоя қилади:

— Мени, айниқса, Қуролли Кучларимиздаги ўта замонавий қурол-яроғлар ҳайратга солди.

> Бугун сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч устуни бўлиб, аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бормоқда.
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Унданам ҳайратланарлиси эса аскарлар, сержантлар ва зобитларнинг фидойилиги бўлди. Тасаввур қилинг, биз фильм ҳаққоний чиқиши учун суратга олишни ҳарбий қисмлардан бирида суратга олишга қарор қилдик. Ўзимизча жуда эрта уйғондик деб саҳарги олтида турсак, қисмда аллақачон ҳаёт бошланиб кетган бўлади. Кечаси ҳам шу аҳвол. Тўғриси, мен бу манзарани кўриб, уйимизда бемалол хотиржам ухлашимиз бежиз эмас, ахир бизнинг осойишталигимизни шундай қудратли армия қўриқлаяпти, деган хулосага келдим. Ватанга садоқатни, фидойиликни ҳарбийлардан ўрганишимиз керак.

Фильм ижодкорлари билан суҳбатлашган чоғимиз яна бир қизиқ ҳолатни таъкидлаб ўтишди. Улар водийдаги қишлоқлардан бирида тасвирга тушириш ишларини бошлаб юборганлари маҳал, шу ерлик одамлар анчадан бери давом этиб келаётган бир одат ҳақида гапириб қолишибди. Яъни совчиликка келганлардан, албатта, “Йигит армияга борганми?” деб сўраларкан. Жавоб ижобий бўлса, қизнинг ота-онасидан розилик олиш анча осон кечаркан...

Айни кунларда “Ўзбектелефильм” студиясида ўн беш қисмдан иборат бу фильмнинг монтаж ишлари якунланмоқда. Сериал намойишини 2012 йилнинг 14 январида — Ватан ҳимоячилари куни бошлаш режалаштирилмоқда. Ўйлаймизки, бу сериал киноижодкорлар томонидан Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллигига муносиб совға бўлади.

# Меҳнат жамоасига соғлом қайтса...

Тиббий-ижтимоий ёрдам

**Маҳамадамин ЧАҚҚОНОВ,**
Термиз туманлараро 70-сонли ТМЭК раиси.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар қилинди. Ҳозирги кунда ногиронлик гуруҳини белгилашда меҳнатга лаёқат эмас, балки ҳаёт фаолиятининг чекланиши асос қилиб олиниши ногиронларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

Биз беморларни даволашни назорат қилиш, шу орқали ҳудудда ногиронликни камайтиришни асосий вазифаларимиздан бири деб биламиз. Жамоамиз шу йўналишдаги ишларни кучайтириб, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида ижобий натижаларга эришди. Чунончи, бирламчи ногиронлик 46,1 фоизга, қайта ногиронлик 40,9 фоизга камайди. 128 нафар ногирон тўлиқ, 92 нафари эса қисман реабилитация қилинди. Касаллик туфайли вақтинча меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар даволаш орқали иш фаолиятига қайтарилди. Шунингдек, комиссия аъзолари Термиз шаҳрида ва Термиз тумани қишлоқларида ҳам бемор ва ногиронларни тиббий кўрикдан ўтказиш билан бирга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатмоқдалар. Даволаш-профилактика муассасалари билан ҳамкорликда касалликлар ва ногиронликнинг олдини олиш, реабилитация ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида илмий-амалий анжуманлар ва давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда. Тушунтириш ишларини кучайтириш, ногирон ва беморларнинг эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида тадбирлар ўтказилмоқда.

Жойлардаги бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликдаги ишлар ҳам ўз самарасини бераётир. Ногиронларни ишга жойлаштириш, уларни касаначилик усулида иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя — давлатимиз сиёсатининг асосий тамойилларидан бири. Шу боис, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар саломатлигини тиклаш, уларни касбига, ўз меҳнат жамоасига, соғлом одамлар сафига қайтариш асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

# Эътиборсиз бўлманг

Огоҳлик

**Д.УРМАНОВ,**
Тошкент шаҳар ИИББ ЎХБ катта муҳандиси, капитан.

Ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг кўпчилиги фуқароларнинг яшаш жойларида содир бўлади. Бунга асосий сабаб — кишиларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликлари, бошқача айтганда, эътиборсизликларидир. Шу туфайли аксарият ҳолларда ёнғин содир бўлиб, катта иқтисодий зарар келтиради, ҳаётимиз хавф остида қолади.

Айни кунларда Ёнғин хавфсизлиги ойлиги доирасида ана шундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида корхона ва ташкилотлар, хонадонларда бўлиб, тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Бу тадбирларда ёнғинга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланиб, уларни бартараф этиш йўл-йўриқлари тўғрисида сўз юритилмоқда...

Яқинда бир маҳаллада катта ёнғин содир бўлди. Бутун маҳалла аҳли кўз ўнгида ўт ўчирувчилар томонидан ёнғин бартараф этилди. Озгина эътиборсизлик ана шундай мудҳиш оқибатга олиб келганлигини кўрган маҳалла аҳли ёнғин хавфсизлиги масаласида ҳушёр бўлишларини бот-бот такрорлар эдилар...

# Мулк ҳуқуқи муддатсиз

**А. ФАЙЗУЛЛАЕВ.**

Мулк ва бойлик одатда, меҳнат фаолияти, мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан, мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш, мерос қилиб олиш ёки давлат мулкини хусусийлаштириш сингари қонун ҳужжатларига зид бўлмаган асосларда вужудга келади.

Улушли, умумий биргаликдаги мулкнинг эса масъулияти яна ҳам каттароқ. Чунки улушли мулкдаги мол-мулкка эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланишда барча иштирокчиларнинг манфаатлари улушига қараб инобатга олинмаса ва бунда ошкоралик таъминланмаса, ғирромлик ва қонун бузилишига йўл қўйилиб, турли норозиликларни келтириб чиқаради.

Тошкент шаҳрининг машҳур “Олой деҳқон бозори” ҳудудида жойлашган икки қаватли гўшт-сут маҳсулотлари мажмуаси ҳам 1993 йилнинг 22 апрель куни Тошкент шаҳар Юнусобод туман ҳокимининг 504-сонли фармойишига асосан, 101 нафар таъсисчилар томонидан хусусийлаштирилиб, “Бахт” жамоа корхонаси ташкил топган.

Бугунги кунда эса ана шу таъсисчиларнинг 40 нафари шикоят хати билан таҳририятимизга мурожаат қилганлар. Мазкур шикоятни ўрганиш жараёнида беихтиёр ростдан ҳам уларнинг улушлари ва олинажак дивидендларини кимлар ўзлаштирган? Қандай қилиб 101 нафардан атиги 1 нафар таъсисчи қолган? Шу аснода ҳужжатлар қалбакилаштирилганми? Нима учун ушбу масалалар бўйича суд томонидан қабул қилинган қарорлардан аризачилар норози бўлмоқдалар? деган саволлар пайдо бўлди. Бу мураккаб саволларга холис ва тўғри жавоб топиш учун мулк низоси иштирокчилари билан суҳбатлашиб, улар томонидан тақдим этилган барча ҳужжатларни синчковлик билан ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик.

Мазкур ҳужжатларга кўра, юқорида айтилганидек, дастлаб 101 нафар фуқаро таъсисчилар рўйхатига киритилган. 1994 йил 5 майдаги “Бахт” жамоа корхонаси умумий йиғилишининг қарори билан гўё аксарият таъсисчилар ўз улушларини 12 нафар таъсисчилар ҳисобига ўтказиб беришлари муносабати билан таъсисчилар сафидан чиқарилганлар. 1998 йил 15 май куни эса Юнусобод тумани ҳокимининг 674к-сонли қарори билан “Бахт” жамоа корхонаси мақоми “BAXT-NAZIR” МЧЖга ўзгартирилган. Орадан бир ҳафта ўтиб жамиятнинг янги таҳрирдаги Низоми тасдиқланган. 2006 йилнинг 10 майида жамият Низомига ўзгартиришлар киритилиб, таъсисчилар сифатида Ш. Абдуллаев, Х.Абдуллаев ва Н. Ҳикматовлар кўрсатилиб, уларнинг улуши белгиланган. 2008 йилнинг 3 сентябрида “BAXT-NAZIR” МЧЖ Низомига яна ўзгартириш киритилиб, таъсисчи сифатида фақатгина Абдуллаев Шукрулла Назировичнинг ўзи қолган.

Мазкур мақола чоп этилишга тайёрланаётган вақтда аризачи Абдурашид Умаровнинг оғир касаллик туфайли оламдан ўтганлиги маълум бўлди. Марҳум билан ҳаётлик даврида сухбатлашганимизда, у 1992 йилнинг охирларида мазкур гўшт-сут савдо мажмуасини хусусийлаштириш ишларига раҳбарлик қилгани, 1993 йилда “Бахт” жамоа корхонасини ташкил қилгани ҳолда уни 1997 йилгача бошқаргани, гарчанд, 1994 йил 5 май куни таъсисчиларнинг умумий мажлис баённомаси ва таъсис шартномаси тузилиб, уларда жамоа корхонаси ходимлари ўз улушларини 12 киши номига ўтказиб берганликлари кўрсатилган бўлса-да, аслида бундай мажлис умуман бўлмагани ва таъсисчилар ўз улушларидан воз кечишга розилик бермаганлари хусусида жон куйдириб гапирган эди.

Унинг айтишича, ўшанда мажлис, таъсисчилар иштирокисиз Ш. Абдуллаев томонидан ташкиллаштирилган бўлиб, ҳужжат ва улардаги имзолар қалбакилаштирилган бўлган. Шу аснода А. Умаровнинг ўзи ҳам беихтиёр 12 нафар таъсисчи қаторида қолган. Ўтган йиллар давомида ўз улушларидан маҳрум бўлган таъсисчилар А.Умаровдан ўз улушлари ва дивидендларини талаб қилиб келганлар. Бироқ ихтиёри ўзида бўлмаган А.Умаров иложсиз қолган. Унга 67 нафар таъсисчидан бирваракайига қутулиш таклиф этилганида у ўз улушидан воз кечиб, ишдан бўшашга мажбур бўлган.

Шунингдек, аризачи Маҳсуда Искандарова ҳам шунга ўхшаш маълумотларни келтириб, савдо мажмуаси 1993 йилда 5.049.700 рублга сотиб олиниб, жамоанинг 101 нафар аъзоси ўз улушларини қўшганларини, бироқ ҳеч ким улушига яраша даромад олмаганлиги, охир-оқибат улушсиз ҳам қолганликлари, 1994 йил 5 май куни тузилган умумий мажлис баённомаси ва таъсис шартномаси қалбаки эканлигини, мажлис умуман ўтказилмаганлиги, ҳеч ким ўз улушидан воз кечишга рози бўлмаганлигини, шахсан ўзи ҳам мазкур мажлисда қатнашмаганлигини таъкидлайди. Собиқ таъсисчи Б.Мирзаҳмедов ҳам ўз тушунтириш хатида шундай фикр билдирган.

Бироқ биз “Олой деҳқон бозори” ҳудудида фаолият юритаётган “BAXT-NAZIR” МЧЖ маъмурияти томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар хусусида ҳам фикр юритмаслик адолатсизлик бўлур эди. Хусусан, 1997 йил 24 ноябрь санаси билан ёзилиб, имзолари нотариал тартибда тасдиқланган аризаларда 8 нафар таъсисчи ўз улушларини жамият раҳбари Ш. Абдуллаев фойдасига ўтказиб беришга розилик билдирганликларини баён қилганлар.

2004 йил 12 февраль куни нотариал тасдиқланган келишув битимига кўра, таъсисчи С.Усманов 24.000.000 сўм миқдоридаги ўз улушидан ҳақ тўламаслик шарти билан шу жамият аъзоси Р.Абдуллаев фойдасига воз кечган. 2010 йилнинг турли ойларида ёзилган 34 та ариза ҳам мавжудки, уларда собиқ таъсисчилар 1994 йил май ойида “Бахт” жамоа корхонаси мажлисида иштирок этганликлари ва таъсисчилар сафидан чиқиш ҳақида ариза берганликларини тасдиқлаганлар.

Хўш, ҳар икки томондан келтирилган бу факт ва ҳужжатлар суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қай даражада ўрганилган ва ҳуқуқий баҳо берилган? Энди эътиборимизни шуларга қаратсак. Чунки масаланинг ягона қонуний ва тўғри ечими, шак-шубҳасиз, улар томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқдир.

2011 йил 4 февраль куни Юнусобод туман прокуратураси томонидан шу туман ИИБ ТБ бошлиғи номига 160а-сонли хат жўнатилиб, унда М. Искандарова ва бошқаларнинг “BAXT-NAZIR” МЧЖ мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари ҳамда ушбу жамиятда бўлиб ўтган мажлис баённомалари қалбакилаштирилганлиги ҳақида ёзган аризаси тўлиқ ва ҳар томонлама текширилиб, қонуний ҳал қилиниши талаб этилган.

Бироқ Юнусобод тумани ИИБ ТБ томонидан 2011 йил 5 апрель куни Жиноят ишини қўзғашни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиниб, унда: *1994 йил 12 майдаги “Бахт” ЖК таъсис шартномаси ва 1994 йил 2 июндаги 10-сонли “Бахт” ЖК мажлис баёни қалбакилаштирилганлиги ҳолати бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги ва жавобгарликка тортиш муддати 16 йил ўтиб кетганлиги асос қилиб олинган. Шунингдек, мазкур ҳолат юзасидан манфаатдор томонларга фуқаролик ишлари бўйича туман судига мурожаат этишлари мумкинлиги тушунтирилган.*

Шунингдек, “BAXT-NAZIR” МЧЖ мансабдор шахслари ва Ш. Абдуллаевнинг ноқонуний ҳаракатлари бўйича мурожаати юзасидан туман ИИБ томонидан қабул қилинган қарордан норози бўлиб ёзилган ариза **тақдим этилган ҳужжатлар асосида қайта кўриб чиқилиб, ушбу қарор иш ҳолатлари тўлиқ аниқланмасдан, барвақт қабул қилинганлиги сабабли туман прокуратураси томонидан 16.06.2011 йилда бекор қилиниб, қўшимча текширув ҳаракатлари олиб боришлик учун туман ИИБ ТБга юборилган.** Бироқ, аризачилар шу бугунгача қўшимча текширув ҳаракатлари натижаси бўйича хабардор қилинмаганлар.

Даъвогар М. Искандарова ва бошқаларнинг даъво муддатини тиклаш, ҳокимиятга нисбатан баённомаларни ҳақиқий эмас деб топиш, қарорни бекор қилиб давлат рўйхатидан ўтганлик ҳолатини ҳақиқий эмас деб топиш ва дивиденд пулларини ундириш, “BAXT-NAZIR” МЧЖ ва Юнусобод туман ҳокимиятига нисбатан битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризалари 2011 йил 14 март кунида Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар М. Улуғбек туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан рад этилган. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар апелляция инстанцияси судининг 2011 йил 13 майдаги ажрими билан мазкур ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Назорат тартибида ёзилган шикоят ҳам ФИБ Тошкент шаҳар суди раисининг 22.07.2011 йил 05-505/11-сонли хати билан рад этилган.

Хўш, даъвогарларнинг суд қарорларига нисбатан бўлган эътирозлари нимада?

Айтайлик, суд томонидан даъво муддатини тиклаш ҳақидаги ариза асоссиз деб ҳисобланиб, рад этилиши бироз эриш туюлади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 163-моддасида **мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини ҳар қандай бузилишларини бартараф этиш ҳақидаги талабларига даъво муддати қўлланилмайди**, деган талаб мавжуд. Қолаверса, мазкур кодекснинг 164-моддасида шундай дейилади. «Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. **Мулк ҳуқуқи муддатсиздир**” деган қоидани инкор этиб бўлмайди.

Шунингдек, суд Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг 28.10.1998 йилдаги далолатномасига кўра, “BAXT-NAZIR” МЧЖнинг 1993-1995 йиллардаги ҳужжатлари муддати ўтганлиги сабабли йўқ қилинганлиги ҳолати туфайли *«Даъвогарларни таъсисчилар сафидан чиқиш ҳақида ариза бермаганликлари ҳақидаги важлари ўз тасдиғини топмади*” деган хулосага келган.

Ваҳоланки, улар ўз улушларини ўтказиб бериш ҳақида умуман ариза бермаганликларини таъкидлаб, архивдан олинган ҳужжатларнинг биронтасида ҳам таъсис ҳужжатларига илова қилинган аризалар борлиги кўрсатилмаган. Хуллас суд томонидан бу масалага етарлича ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги ҳам даъвогарларни таажжубга солади...

Ўйлаймизки, суд ва тегишли идоралар томонлар келтирган важларни яна бир ҳар томонлама ва синчковлик билан ўрганиб чиқиб, мулкий ҳуқуқлари бузилган фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Мақолани чоп этишдан кўзланган мақсад масаланинг қонуний ечими тезроқ топишдир. Томонлар суд ва ҳуқуқ-тартибот идораларига қайта ва қайта мурожаат этиб, бунинг баробарида қимматли вақтларидан ва саломатликларидан ажралиб қолишлари мумкин. Муаммонинг қонуний ва адолатли ечими борки, у ҳам бўлса келишув битимига эришишдир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 180-моддаси талабига кўра, даъвогар ўз талабларидан воз кечганда ёки жавобгар даъвогар талабларини тан олганда ёхуд тарафларнинг ўзаро қўйган шартларига рози бўлишлари орқалигина келишув битимига эришилади. Даъвогарлар “BAXT-NAZIR” МЧЖ раҳбари Шукрулла ҳожи Абдуллаевни ҳамон ҳурмат билан тилга олишади. Демак, биз ҳам яхши ниятларда мулкий низонинг ижобий ечим топишига ишониб қоламиз.

> **Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.**
>
> **Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.**
>
> *Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси*

XALQ BANKI

ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
жамоаси

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллик байрами билан барча юртдошларимизни самимий қутлайди!**

Давлатимиз равнақи ва юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги, истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган самарали ишларингизда улкан зафарлар тилаган ҳолда, сизларга соғлик-омонлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик ва қут-барака тилаб қоламиз.

КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ ҚАЛБЛАРИНГИЗНИ ТАРК ЭТМАСИН!



ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!

# Бу ғалати даҳолар

## ёхуд Ньютон нега соатини сувда қайнатган

Ўқинг, қизиқ

Малоҳат МИНГБОЕВА.

Айрим олимларнинг мулоҳазаларига кўра, буюк инсонларнинг кўпчилиги ғалати феъл-атворлари билан бошқалардан ажралиб туришган. Фаранг сиёсатшуноси Ларошфуко эса тўғридан-тўғри "Буюк инсонларнинг камчилиги ҳам буюк бўлади", дейди.

Мисол учун, фаранг масалчиси Лафонтен илҳом келган чоғлари хаёлига келган сатрларни бақириб-чақириб такрорлаганча, ўзига ҳайрон бўлиб тикилаётган йўловчиларга эътибор қилмасдан кўчаларни айланиб юраверган.

Бир куни машҳур олим Ньютон қайнаётган сувга солиш учун бир қўлига тухум олади, иккинчи қўлига эса соатни олиб, вақтни белгилайди. Ўз хаёлларига ғарқ буюк олим бир пайт қараса, тухумни қўлида ушлаб турибди, идишда эса соат қайнаяпти. Шунингдек, буюк физик берилиб ишлаган маҳаллари овқат ейишни ҳам, кийинишни ҳам унутиб қўйган экан.

Ёзувчи Шарлотта Бронте навбатдаги асарини қоғозга тушираётган маҳал тез-тез ёзишни тўхтатиб, қунт билан картошка арчишга тушиб кетган.

Америкалик машҳур олим, журналист, ношир, дипломат ва сиёсатчи Бенжамин Франклин ишлашга ўтирар экан, албатта столида кўп миқдорда пишлоқ туришини талаб қилган.

Ўзининг қўрқинчли ҳикоялари билан машҳур Эдгар По эса иш столида соатлаб оппоқ қоғозга термулиб ўтираверган. Яна бир таниқли адиб Морис Матерлинк ҳам ҳар куни эрталаб — ҳаттоки бир сатр ёзмаса ҳам — иш столида роппа-роса уч соат ўтирган.

Машҳур физик Ампер бир куни уйидан кетаётиб, эшикка "Ампер фақат кечқурун уйда бўлади", деган ёзув қолдирган. Аммо унинг ўзи кундузи уйига қайтиб келади ва эшикдаги ёзувни кўргач, ўзининг Ампер эканлигини унутган кўйи орқага қайтиб кетади.

Жорж Санд роппа-роса соат ўн биргача ижод қилган, мабодо бирон романини ўн яримда тугатиб қўйса, қолган ярим соат мобайнида янги асарини ёза бошлаган.

Чарльз Диккенс эса ҳар эллик қатор ёзганидан кейин албатта, бир қултум иссиқ сув ичиб турган.

Дюма-ота фақат махсус катакли қоғозларда ёзган, Дюма-ўғил эса ижодни бошлашидан олдин беш маротаба тўйиб овқатланиб олган.

Олмон мутафаккири Иоганн Гёте фақат герметик ёпиқ хонада ишлаган. У ўзи ишлаётган жойга тоза ҳаво киришини ҳам истамаган.

Яна бир олмон шоири, файласуф, тарихчи ва драматург Шиллер эса фақат столида чириган олма турган тақдирдагина ижод қила олган.

Юқорида санаганларимиз тарихда ўтган шахслар. Хўш бугунги кунда ҳаёт буюклар-чи? Улар қай жиҳатлари билан бошқалардан ажралиб турishибди?

...Математика билимдонлари неча-неча асрлардан бери ўта мураккаб Пуанкаре гипотезасини исботлай олмай келишарди. Ниҳоят Санкт-Петербург шаҳрида истиқомат қилувчи 41 ёшли Григорий Перельман уч йил бурун гипотезани тўла-тўкис исботлаб берди. Лекин Григорий Перельман ўзига берилиши керак бўлган 1 миллион АҚШ долларлик мукофотдан ҳам, медалдан ҳам воз кечди. Ҳолбуки буюк олимнинг ўзи шаҳар чеккасидаги торгина, икки хонали уйда онаси билан фақирона яшайди.

"ШЎРТАНГАЗКИМЁ"
мажмуаси

*Ҳурматли юртдошлар!*

Сизларни мустақил Ўзбекистонимизнинг асосий қонуни —
Конституция қабул қилинган кун
билан табриклаймиз!

Давлатимиз равнақи, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан ривож тилаймиз!



"АСАКА" банк

Муҳтарам юртдошлар,
Бош Қомусимиз қабул қилинган
қутлуғ сана билан барчангизни
қизғин муборакбод этамиз.



Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси
фуқароларимизнинг тинч,
фаровон яшашининг
кафолатидир.



*Байрам муборак, азизлар!*

**ADOLAT**
ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир:** Худоёр МАМАТОВ
**Бош муҳаррир биринчи ўринбосари:** Абдували СОЙИБНАЗАРОВ *(Нашр учун масъул)*

**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — *236-57-14*; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — *236-54-39*;
**Телефонлар:** қабулхона — *236-53-14*; *233-40-86* (факс); котибият — *233-41-89.*
**Навбатчи муҳаррир** — Фарҳод ЭСОНОВ.
**Навбатчи** — Илёс САХАТОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*
adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 1200. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 3675.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 21.30
1 2 3 4 5